

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Вилоят ҳокимлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгаши раиси

 **Н.ТОҒАЕВА**
2024 йил “4” декабрь

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг **1 – Й ИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ**

Ўтказиш жойи: “Ёшлар маркази” кичик мажлислар зали
Ўтказиш санаси ва вақти: 2024 йил 4 декабрь соат 15.00.

Кенгаш раиси:	Н.Тогаева
Кенгаш котиби	М.Хамидов
Иштирок этган аъзолар сони:	10 нафар аъзо
Маълум сабабларга кўра иштирок этмаган аъзолар сони:	6 нафар (Ж.Ҳамроев, М.Мамадиярова, Д.Орзиева, Ш.Раубаева, А.Муқимов, Б.Умаров)

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Г.Алиев – Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Э.Мардонов – вилоят ҳокими ўринбосари, Д.Хусанов – вилоят Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, ННТлар ва ОАВ вакиллари (30 нафар)

КУН ТАРТИБИ

1. Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро самарали ижтимоий шерикчилигига асосланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида

Сўзга чиқувчи: Г.Алиев – Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони ижроси тўғрисида

Сўзга чиқувчилар: Э.Мардонов – вилоят ҳокими ўринбосари,
Д.Хусанов – вилоят Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари,
З.Тоғайев – ЎзННТМА вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари

3. Навоий вилояти ҳокимининг 2024 йил 23 октябрда қабул қилинган “Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 281-5-0-Q/24-сонли қарори тўғрисида

Сўзга чиқувчи: Н.Тоғасева – Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси

4. Бошқа масалалар

1. ЭШИТИЛДИ:

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши биринчи йиғилишини кўпчилик таклифи билан вилоят Кенгаши депутати, “Юксалиш” УМХ вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари А.Жалилов олиб борди.

А.Жалилов йиғилишни кириш сўзи билан очиб, юртимизда ўтказилаётган “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” билан йиғилганларни табриклаб, йилдан йилга жамиятимизда жамоатчиликнинг роли ва имкониятлари кенгайиб бораётганлигини, айниқса, Мухтарам Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар жуда катта амалий натижалар бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги биринчи масала – Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро самарали ижтимоий шерикчилигига асосланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида сўз Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси – Алиев Гофир Қувватовичга берилди.

Маърузачи ўз сўзида мамлакатимизда ўтказилган сайловларлар аралаш принциплар асосида ўтказилганлиги, унинг натижасида янгидан сайланган вакиллик органларининг жамиятдаги роли ва ваколатлари ортиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтди. Юртбошимизнинг Олий Мажлис ҳар бир палатасининг алоҳида йиғилишларида қатнашиб маъруза қилиб, келгусида олий ва маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришда ўзларининг тавсияларини берганлиги ҳар бир ҳудудий вакиллик органлари учун Президент Мурожаатномасидек қабул қилинди.

Янгидан сайланган Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раҳбари ваколати вилоят ҳокими ваколатларидан ажратилганлиги, вилоят Кенгашида алоҳида котибият фаолит олиб бораётгани, Кенгаш тузилмалари ва депутатларнинг ваколатлари янада кенгайганлиги жамиятда мустақил тузилма сифатида маҳаллий вакиллик органлари назоратини такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иктисодиёт йили” деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят миқёсида ҳам йирик ва мукамал лойиҳалар амалга оширилиши, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни сифатли ва манзилли бажарилиши учун мунтазам равишда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг

бошқа институтлари билан ўзаро самарали ижтимоий шерикчиликка асосланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур эканлиги кайд этилди.

Шу муносабат билан, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва Кенгаш ҳузуридаги тузилмалар мазкур йўналишда доимий равишда соҳадаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишга, биргаликда жамоатчилик назорати тадбирларини олиб боришга тайёр эканлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан сўз навбати вилоят ҳокими ўринбосари – Мардонов Элёр Эрдоновичга берилди.

Э.Мардонов ўз сўзида бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига яратилаётган имкониятлар, уларнинг сонини йил сайин ортиб бораётганлиги, маҳаллий давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро самарали ижтимоий ҳамкорлик борасида катта тажриба орттирилаётганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Парламент Комиссияси қарорлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг саъйи ҳаракатлари билан Навоий вилоятида 2024 йилда фуқаролик жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун 5645,6 млн сўм давлат субсидияси, 1185,7 млн сўм давлат гранти учун маблағ ажратиб берилди. Ажратиб берилган жами 6831,3 млн сўмдан 3324,8 млн сўми Олий Мажлис жамоат Фонди ҳиссасига тўғри келса, 3506,5 млн сўм маблағ бевосита вилоят ҳокимлиги ҳиссасига тўғри келмоқда.

Таъкидланганидек, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони билан нодавлат нотижорат ташкилотларига катор имтиёзлар яратилди.

Жумладан, 2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар Фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида тўланадиган қуйидаги солиқ турлари бўйича белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилди.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар аъзоларига ҳомийлик ташкилотлари томонидан солиқ даври мобайнида тўғридан-тўғри бериладиган пул маблағлари тарзидаги ҳомийлик хайрияларининг солиқ солинмайдиган миқдорини ўн беш миллион сўмдан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача оширилди.

2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган давлат божлари миқдорини икки бараварга камайтирилган ҳолда ундириш имкониятлари берилди.

Фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилади. Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда,

унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Маърузачи томонидан таъкидланганидек, бугун Навоий вилоятида 500 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар бўлса, уларнинг 141 нафари турли соҳаларда ўз ташаббусига кўра тузилган ННТлар ҳисобланади. Фармон талабларига кўра, вилоятда маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашларини ташкил қилиш, улар таркибига соҳадаги ННТларни кенг жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йўналишда тегишли грант лойиҳалари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Эндиликда ННТлар жамиятда ўзларини тўлиқ намоён этган ҳолда фаолият олиб боришлари, ҳудудлардаги турли ижтимоий масалаларни ҳал этиш жараёнида соҳадаги маҳаллий давлат органлари билан самарали ижтимоий ҳамкорликни қўлга қўйишлари талаб этилади.

Вилоят ҳокимлиги томонидан Навоий шаҳрида барпо этилган “ННТлар уйи”ни маҳаллий ҳокимлик балансига олиш, уни тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан барча харажатларини доимий қоплаш, янги ташкил қилинган ННТлар учун Навоий шаҳрида яна янги “Дўстлик уйи” барпо этиш, шунингдек, вилоятдаги миллий-маданий марказлар учун 1 та автобус сотиб олиш масаласи бўйича ишлар режалаштирилганлигини алоҳида айтиб ўтди.

Кун тартиби бўйича сўзга чиққан вилоят Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари **Ҳусанов Даврон Нуруллаевич** ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 124-сонли Фармонида 2024 йил 1 октябрдан бошлаб фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик томонидан танловлар йўналишларини шакллантириш ҳамда уларнинг муҳокамасида бевосита иштирок этиши, танловларда иштирок этиш учун лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун буюртмаларни юбориш, уларни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини кузатиб бориши, танлов иштирокчиларидан талаб этиладиган ҳужжатларни электрон платформани давлат органларининг маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали онлайн олиш имкониятларни назарда тутувчи ягона электрон платформани ишга тушириш белгиланганлигини алоҳида айтиб ўтди.

Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш дастурини ишлаб чиқиш топширилганлиги, келгусида мазкур жараён амалда маҳаллий давлат органлари билан соҳадаги ННТларнинг самарали ижтимоий шерикчилигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Мазкур кун тартибида ЎзННТМА вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари **Тоғайев Зокир Талавович** ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Кун тартибдаги учинчи масала – Навоий вилояти ҳокимининг 2024 йил 23 октябрда қабул қилинган “Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 281-5-0-Q/24-сонли қарори юзасидан Жамоатчилик Кенгаши раиси Тоғаева Назира Мамапазаровна сўзга чиқди.

Н.Тоғаева ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 26-августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони, 2018-йил 04-июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сонли қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида 2024 йил 23 октябрда Навоий вилояти ҳокимлигининг 281-5-0-Q/24-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармонининг 8-бандига мувофиқ давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши; ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланиши ва унинг натижалари эълон қилиниши; жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда - жамоатчилик кенгаши) тўғрисида Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Қарорда қўйидагилар:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармок ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш;

давлат бошқаруви органларига подавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;

фукароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органи фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш; давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фукаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолияти бўйича фукаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатиш ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш Жамоатчилик Кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Қарорда Жамоатчилик кенгашининг фаол аъзолари қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши алоҳида белгилаб қўйилганлиги таъкидланди.

Кенгаш раиси Н.Тоғасева томонидан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари таркиби ўқиб эшиттирилди.

Қун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан вилоят Ногиронлар жамияти раиси Х.Ҳасанова сўзга чиқиб, Хатирчи тумани Ногиронлар жамияти тумандаги эски ҳокимият биносининг 3-каватида жойлашганлиги, уларни 1-каватга олиб тушиш бўйича зарур чоралар кўриш кераклиги билдирилди.

Мазкур саволга вилоят ҳокими ўринбосари Э.Мардонов томонидан жавоб берилиб, 2024 йил декабрь ойи охирига қадар Хатирчи туманига хизмат сафир билан чиқиб режалаштирилганлиги, мазкур жараёнда ушбу муаммони ҳал этиш масаласини жойида туман ҳокимлиги билан биргаликда кўриб чиқишини маълум қилди.

Жамоатчилик Кенгаши котиби – “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳукукий тарғибот ва мониторинг маркази раҳбари М.Ҳамидов сўз олиб, Америка тарққиёт агентлиги (USAID) ҳузуридаги Chemonics International Inc. компанияси томонидан амалга оширилаётган “Маҳаллий давлат ҳокимиятини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Марказ грант голиби бўлганлиги мазкур грант лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 26-августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони асосида Навоий шаҳри, Навбахор ва Қизилтепа туманларида маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш ва методик таъминлаш режалаштирилганлиги тўғрисида тўхталиб вилоят ҳокимлиги, Навоий шаҳри, Навбахор ва Қизилтепа тумани ҳокимликлари ва вилоят ҳамда тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари Жамоатчилик Кенгашлари билан ҳамкорликни таъминлашга амалий ёрдам кўрсатишини сўраб мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Э.Мардонов вилоят ва тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари мазкур лойиҳани тўлақонли бажаришда зарур ҳамкорлик ва амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини, нафакат белгиланган ҳудудларда балки вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Э.Мардонов томонидан Америка тарққиёт агентлиги (USAID) ҳузуридаги Chemonics International Inc. компанияси томонидан амалга оширилаётган “Маҳаллий давлат ҳокимиятини ривожлантириш” лойиҳасига ва бошқа халқаро лойиҳаларга соҳадаги ННТларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Мазкур мурожаат бўйича Жамоатчилик Кенгаши раиси Н.Тоғаева алоҳида лойиҳа дастури Иш режаси асосида ҳудудлардаги Жамоатчилик Кенгашлари билан келишилган ҳолда ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканлигини билдириб ўтди.

Қуён тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро самарали ижтимоий шерикчилигига асосланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида” Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Ғ.Алиев, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил

26 августдаги “Фукаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони ижроси тўғрисида”ги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари – Э.Мардонов, вилоят Адлия бошкармаси бошлигининг биринчи ўринбосари – Д.Хусанов, ЎзННТМА вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари – З.Тоғайев, “Навоий вилояти ҳокимининг 2024 йил 23 октябрда қабул қилинган “Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 281-5-0-Q/24-сонли қарори тўғрисида”ги масала юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси – Н.Тоғаева маърузалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2021 йилдаги “2021-2025 йилларда фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фукаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши таклифларидан келиб чиқиб, Навоий вилояти ҳокимлиги Жамоатчилик Кенгашининг 2025 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси бир ой муддатда ишлаб чиқилсин ва навбатдаги йиғилишида тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимлиги Жамоатчилик Кенгаши аъзолари 1-Иловага мувофиқ, шаҳар ва туманлар кесимида маҳаллий давлат органлари ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бириктирилсин.

4. “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази раҳбари М.Ҳамидов мурожаати асосида Америка тарққиёт агентлиги (USAID) ҳузуридаги Chemonics International Inc. компанияси томонидан амалга оширилаётган “Маҳаллий давлат ҳокимиятини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 26-августдаги “Фукаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони асосида Навоий шаҳри, Навбахор ва Қизилтепа туманларида маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш ва методик таъминлаш бўйича режалаштирилган лойиҳада вилоят, Навоий шаҳри, Навбахор ва Қизилтепа тумани ҳокимликлари ҳамда мазкур ҳокимликлар ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашларига ҳамкорликни таъминлаш тавсия этилсин.

Мазкур мурожаат юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Э.Мардонов вилоят ва тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари мазкур лойиҳани тўлақонли бажаришда зарур ҳамкорлик ва амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини, нафақат белгиланган ҳудудларда балки вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

5. Вилоят ҳокимлиги Жамоатчилик Кенгаши аъзоларига:

Низом талабларига қатъий риоя қилиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш ҳамда Кенгаш йиғилишларида ўз вақтида иштирок этиш зарурлиги, тегишли меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, фаол Кенгаш аъзоларини рағбатлантириш кўзда тутилганлиги эслатиб ўтилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Жамоатчилик Кенгаши котиби ва аъзолари зиммасига юклансин.

Овоз берилди: ёқлаб 10 киши

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Кенгаш котиби



М.Хамидов